

КОНСУЛЛИК ҲИМОЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР АППАРАТИ ҲАМДА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Гафурова Севара Алишеровна
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети доценти,
Юридик фанлар доктори (DSc)
E-mail: sevaragafurova@mail.ru

АННОТАЦИЯ:

Консуллик ҳимояси институти илмий тадқиқ этишда атамалар категорияси концептуал восита саналади. Бинобарин, ҳозирги давр илмий амалиётининг ўзига хос томони шундаки, тилнинг изоҳлаш ва аниқ таърифлаш воситаларидан чуқур фойдаланади ва илмий тадқиқотларнинг янада ишончлилигини оширади. Фанда илмийликни таъкидлаш мақсадида илмий билиш методларига мурожаат этилади. Жумлдан фандаги расмий-юридик метод асосида ҳуқуқий воқеликнинг ташқи ва ички шакллари англаш мумкин. Илмий билишнинг расмий-юридик методи асосида тушунчалар шакллантирилади, атамаларга изоҳ берилади. Атамаларга изоҳ бериш, улар устида чуқур изланишлар олиб бориш ҳар қандай соҳани ўрганишда муҳим босқичдир. Муаллиф мазкур мақолада фан ва илмий изланишлар эса мазкур жараёнларни таҳлил этиш, зарур назарий, норматив ва терминологик асослар билан таъминлаши лозим, деган фикрга келади. Зеро, назарий асос амалиётнинг самарали натижа беришига кўмаклашади.

Калит сўзлар: ҳуқуқ институти, ҳуқуқ тармоғи, ҳуқуқий тартибга солиш предмети, ҳуқуқий бошқариш методи, консул, консуллик ҳуқуқи, консуллик ҳимояси институти, консуллик ҳимояси объекти, дипломатик ҳимоя, консуллик дипломатияси, халқаро ҳуқуқ комияссияси, ҳуқуқий норма, консуллик функциялари, институтчионал принциплар, консуллик конвенцияси, консуллик рўйхати, консуллик хизмати.

ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИЙ И ПОНЯТИЙНЫЙ АППАРАТ ИНСТИТУТА КОНСУЛЬСКОЙ ЗАЩИТЫ И СПЕЦИФИКА ЕГО СТАНОВЛЕНИЯ

Гафурова Севара Алишеровна,
Доцент, Университет мировой экономики и дипломатии,
Доктор юридических наук (DSc)
E-mail: sevaragafurovaali@gmail.com

АННОТАЦИЯ:

В научном исследовании института консульской защиты категория терминов рассматривается как понятийный аппарат. Поэтому отличительной чертой современной научной практики является то, что она широко использует

языковые средства объяснения и точного описания, что еще больше повышает надежность научных исследований. Чтобы подчеркнуть научность, наука прибегает к научным методам познания. В частности, на основе формально-юридического метода в науке возможно познание внешних и внутренних форм правовой реальности. На основе формально-юридического метода научного познания формируются понятия и разъясняются термины. Объяснение терминов и проведение их углубленного исследования — важный шаг в изучении любой области. Автор статьи утверждает, что наука и научные исследования должны анализировать эти процессы и обеспечивать их необходимыми теоретическими, нормативными и терминологическими основами. Потому что теоретическая база помогает практике давать эффективные результаты.

Ключевые слова: правовой институт, отрасль права, предмет правового регулирования, метод правового регулирования, консул, консульское право, институт консульской защиты, объект консульской защиты, дипломатическая защита, консульская дипломатия, комиссия международного права, правовая норма, консульские функции, институциональный принципы, консульская конвенция, консульский список, консульская служба.

Халқаро муносабатларнинг ҳозирги кундаги ривожланиш босқичида консуллик ҳимоясининг аҳамияти интенсив равишда ортиб бормоқда. Бу тенденция, ўз навбатида, глобализация жараёнларининг ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига кириб бораётганлиги билан характерланади. Фуқароларнинг жаҳон мамлакатлари бўйлаб саёҳатларининг сон жихатидан ўсиши, саёҳат мақсадлари ва муддатлари турлича эканлиги, уларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ривожланиши, интерактив маълумот алмашилиши имкониятлари, халқаро оммавий ахборот воситаларининг фаоллашуви чет давлатлардаги дипломатик миссиялар, жумладан, фуқаролар билан тўғридан – тўғри ишлашга сафарбар этилган консуллар маъсулиятини, шу билан бирга консуллик ҳимояси институтининг ҳуқуқий моҳиятини оширади.

Фан ва илмий изланишлар эса мазкур жараёнларни таҳлил этиш, зарур назарий, норматив ва терминологик асослар билан таъминлаши лозим. Зеро, назарий асос амалиётнинг самарали натижа беришига кўмаклашади. Атамаларга изоҳ бериш, улар устида чуқур изланишлар олиб бориш ҳар қандай соҳани ўрганишда муҳим босқичдир.

Консуллик фаолияти амалий вазифаларни ҳал этиш билан бир қаторда катта ҳажмдаги лойиҳаларда жумладан консуллик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, миграция ва шунга дахлдор соҳаларда ва шу билан бирга стратегик муҳим вазифаларда иштирок этиш кабилар билан кенгайиб ва мазмунан бойиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Консуллик ҳимояси институтини илмий тадқиқ этишда атамалар категорияси концептуал восита саналади. Бинобарин, ҳозирги давр илмий амалиётининг ўзига хос томони шундаки, тилнинг изоҳлаш ва аниқ таърифлаш воситаларидан чуқур фойдаланади ва илмий тадқиқотларнинг янада ишончлилигини оширади[1].

Давр талаби шуки, бевосита ҳам амалиёт ҳам назарияда янгича ёндашув ҳамда ташаббускорликни ошириш лозим. Шу ёринда Халқаро оммавий ҳуқуқнинг консуллик ҳуқуқи тармоғида янги институни яъни – консуллик ҳимояси институтини жорий этиш таклифини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир[2].

Фанда илмийликни таъкидлаш мақсадида илмий билиш методларига муурожаат этилади. Жумлдан фандаги расмий-юридик метод асосида ҳуқуқий воқеликнинг ташқи ва ички шакллари аниқлаш мумкин. Илмий билишнинг расмий-юридик методи асосида тушунчалар шакллантирилади, атамаларга изоҳ берилади.

Консуллик ҳимояси институти атамалар тизимида энг аввал “ҳуқуқ институти” атамаси марказий ёринда туриши шубҳасиздир.

Ҳуқуқ институти тегишли ҳуқуқ тармоғига кирадиган ва бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган юридик нормаларнинг алоҳида гуруҳидир. Ҳуқуқ тармоқларидан фарқли ўлароқ ҳуқуқ институти маълум турдаги муносабатларнинг бир қисминигина тартибга соладиган нормаларни бирлаштиради.

Ҳуқуқ институти ўзига хос жиҳати шундаки, у юридик нормаларнинг шундай жамланган гуруҳи, у аниқ бир шаклдаги барқарор ва объектив тарзда шаклланган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Масалан фуқаролик ҳуқуқидаги мулкка эгалик институти, маъмурий ҳуқуқдаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги институти, конституциявий ҳуқуқдаги сайлов ҳуқуқи институти ва депутатлик мақомини тартибга солувчи нормалар. Ҳуқуқ институти тармоқ ёки тармоқлараро бўлиши мумкин[3].

Ўз ўзидан ҳақли равишда кейинги атамага тўхталиш жоиздир. Бу ҳам бўлса “ҳуқуқ тармоғи” атамасидир.

Ҳуқуқ тармоғи – бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган нормалар, институтлар йиғиндисидир. Ҳуқуқ тармоғига автономлик, бутунлик хосдир. Ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқ тизимида муҳим қаторни эгаллайди.

Ҳуқуқни тармоқ ва институтларга ажратишда икки мезонга асосланилади: ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва ҳуқуқий бошқариш методи. Шу тариқа яна икки атама “ҳуқуқий тартибга солиш предмети” ва “ҳуқуқий бошқариш методи” атамалари изоҳ талаб этади. Демак, ҳуқуқий тартибга солиш предмети бу - кишиларнинг ҳуқуқ воситасида тартибга солинишини талаб этадиган ижтимоий муносабатларидир. Унинг таркиби жуда кенгдир: меҳнат муносабатлари, бошқарув муносабатлари, мулк, ер муносабатлари ва ҳ.к.

Ижтимоий муносабатлар ҳуқуқни институт ва тармоқларга ажратишда асосий объектив жиҳатини ташкил этади.

Ҳуқуқий бошқарув методи бу - кишиларнинг хатти-ҳаракатларига юридик таъсир этиш усуллари йиғиндисидир. Бундай усуллар кишилар ўзаро мулоқотларининг узоқ вақт давом этиши натижасида юзага келади.

Ҳуқуқий бошқариш предмети ҳуқуқ нимани тартибга солади деган саволга жавоб берса, ҳуқуқий бошқарув методи қандай тартибга солади деган саволга

жавоб беради. Метод объектив ва субъектив ҳолатларни тартибга солади ва предметни мазмунан тўлдириб туради.

Консуллик ҳуқуқи - халқаро ҳуқуқий норма ва принциплар йиғиндиси бўлиб, консуллик муассасалари фаолиятини, персоналлари ва уларнинг мақомини, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

Ташқи алоқалар бўйича давлат органларининг мақоми ва функцияларига тааллуқли - давлатлараро расмий муносабатларни ўрнатиш ва амалга ошириш тартибини меъёрга солиб турувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар халқаро ҳуқуқда консуллик ҳуқуқи деб аталади[4].

Консуллик муносабатлари шунингдек, бир-бири билан қуролли низо ҳолатида бўлган давлатлар ўртасида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда олиб бориладиган муносабатлар консуллик алоқаларининг ҳарактерини белгилайди. Ҳар нима бўлганда ҳам муносабатлар иқтисодий, ҳарбий, моддий техник, ҳуқуқий ёрдам ҳарактерида бўлиб, дўстона руҳда ушлаб турилишига эришиш лозим.

Консул - давлатнинг ташқи сиёсатида халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини белгиланган тартибда консуллик тадбирлари, усуллари ва услублар ёрдамида амалга оширади. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари, консуллик фаолияти жараёнида шаклланади. Бу аввало давлатларнинг барча асосий гуруҳлари учун мақбул бўлган муроса кўриниши олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Консуллик Уставида “Консул — консуллик муассасасининг раҳбари бўлмиш бош консул, консул, вице-консул ва консуллик агенти”дир деган изоҳ берилган.

Халқаро ҳуқуқшунос олимлар И.П.Блищенко. В.Н.Дурденевскийлар консулларга қуйидагича таъриф берганлар: «...консул – чет элдан келган мансабдор шахсдир»[5].

Консуллик алоқалари тўғрисидаги 1963 йилги Вена конвенциясининг 1-моддасида берилган тушунчаларда алоҳида “консул” тушунчаси берилмаган. Мазкур конвенцияда “консуллик муассасаси бошлиғи”- унга кўра шундай лавозимда фаолият олиб бориш топширилган шахс тушунчаси келтирилган. Шунингдек, конвенция “консуллик мансабдор шахси” тушунчасини келтириб, “шу лавозимда консуллик функциясини бажариш топширилган ҳар қандай шахс, шу жумладан консуллик бошлиғини англатади” деб таъриф берилган.

Чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлиб фуқароларнинг ҳуқуқий таъсир зарур бўлган муносабатлари бўлса, методи уларни тартибга солишда қўлланиладиган консуллик функциялари мавжуддир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки уларнинг кўлами кенгдир. Айнан ана шу жиҳатдан консуллик ҳимоясини консуллик ҳуқуқида алоҳида институт – консуллик ҳимояси институти сифатида ажратиш ва алоҳида ўрганиш жоиздир.

Консуллик ҳимояси институти – консуллик ҳуқуқининг институти бўлиб, у шахсларнинг (жисмоний ва юридик шахслар) ҳуқуқий муносабатларини тартибга солади. Улар манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлайди.

Консуллик ҳимояси институтининг предмети бир давлат фуқароларининг бошқа давлат чегарасида юзага келадиган, ҳуқуқий жиҳатдан таъсир этиш зарур бўлган муносабатларидир. Консуллик ҳимоя институти муносабатларни тартибга солишда мавжуд кўп томонлама ва икки томонлама ҳалқаро шартномалар, қабул қилувчи давлат қонунчилиги ва миллий қонунчиликдан фойдаланади.

Консуллик ҳимояси объекти - бир давлат фуқароларининг бошқа давлат чегарасида юзага келадиган, ҳуқуқий жиҳатдан таъсир этиш зарур бўлган муносабатларини тартибга солиш усуллари ва воситалари.

Консуллик ҳимояси институти атамалари категориясида яна бир тушунча консуллик дипломатияси тушунчаси эътиборлидир. Ушбу тушунча ғарбда 2010 йилларда пайдо бўла бошлади. Клингендайл ҳалқаро муносабатлар институти (Голландия) илмий тупламларида ушбу атама илмий изоҳланган. Жумладан, М.О.Хаджманс фикрича консуллик дипломатияси бу консуллик (ҳуқуқий) масалалар ва консуллик фаолиятининг индивидуал жиҳатлари бўйича ҳалқаро музокаралардир. М.О.Хаджманс тадқиқотларида консуллик ҳимояси тушунчасига ҳам изоҳ берилади. Унга кура, консуллик ҳимояси бу чет давлатларда танг аҳволда қолган фуқароларга, уларнинг оилаларига ёки уларнинг давлат ичидаги қолган яқинларига кўрсатиладиган ёрдамдир[6], дея таъриф берилади.

Консуллик ҳимояси институти шаклланиши ёқлар экан қиёсий ҳуқуқий таҳлил учун мазкур институтни дипломатик ҳимоя институти билан таққослаш натижасида унинг ҳуқуқий моҳиятини янада кенг очиб бериш мумкин. Ҳалқаро ҳуқуқда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, қолаверса давлат учун ҳам узига хос аҳамият касб этадиган институт – дипломатик ҳимоя институтинидир.

Дипломатик ҳимоя тушунчаси ҳам мунозаралидир. Ҳалқаро конвенцияларда бу атамага изоҳ келтирилмаган. Ҳалқаро ҳуқуқ доктринасида турли қарашлар мавжуд. XX аср бошларида Е.М. Борчард: "Дипломатик ҳимоя ўз табиатига кўра ҳалқаро жараён бўлиб, бу жараён бир давлатнинг иккинчи давлатга нисбатан ўзаро ҳуқуқ в амажбуриятларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришига чақиришида намоён бўлади" деб таъкидлаган[7]. В. Гек "Ҳалқаро оммавий ҳуқуқ энциклопедияси"да: "Дипломатик ҳимоя - ҳалқаро ҳуқуқнинг бир субъекти тарафидан юридик ёки жисмоний шахларга нисбатан ҳалқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқбузарлигига нисбатан ҳимоялашдир", - деб таъриф берган[8].

И.И. Лукашук фикрича, "дипломатик ҳимоя – дипломатик жараён бўлиб, унинг ёрдамида давлатлар ўз фуқароларининг бошқа давлат томонидан бузилган ҳуқуқларини юридик ҳимоянинг барча маҳаллий воситаларини қўллаб ҳам эришолмаган ҳимоясини амалга оширадilar[9].

БМТ Ҳалқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан тайёрланган дипломатик ҳимоя тўғрисидаги моддалар лойиҳасида қўйидаги тушунча таклиф этилган: "Дипломатик ҳимоя бир давлат томонидан дипломатик ёки тинч йул билан ҳал этишнинг бошқа воситалари орқали бошқа давлатни ўзининг ҳалқаро ноқонуний

йуллар билан биринчи давлат фуқаросига етказилган зарар учун жавобгарликка чақиришидир”[10].

Мазкур лойиҳа бўйича махсус маърузачи Д.Р. Дугард, бу ерда "дипломатик ҳимояга таъриф этиш мақсади бўламган. Бу ерда дипломатик ҳимоя халқаро ҳуқуқда қандай қўлланса шундай баён этилган”[11] лигига эътибор қаратади. Бу борада М.А. Амирова "Халқаро ҳуқуқ комияссиясинг бундай ёндашуви унинг ҳуқуқий мандатларини ва халваро мажбуриятлар масалалсини хал этиш йулларини излаш борасида олдиға қўйган мақсадларини инобатға оладиган бўлсак мантикийдир. Бироқ бу дипломатик ҳимоянинг бир томонидир, унинг ҳуқуқий табиъатига аниқлик киритилмаган” дейди[12].

Дипломатик ҳимоянинг тор маънода ва кенг маънода бўлишини ҳам таъкидлаш жоиз. Тор маънода у жараён сифатида тушунилиб, бир давлатнинг бошқа давлатға қилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига нисбатан қилган эътирозидан бошланади. Кенг маънода эса дипломатик ҳимоя бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўёча бир давлат томондан қўлланишилиши мумкин бўлган барча чораларни жамлайди.

Дипломатик ҳимоя ўзининг предмети ва методига эга. Д.С. Гвоздецкий фикрича, дипломатик ҳимоя предмети бу барча шахсларнинг давлат юрисдикцияси доирасидаги қонуний ҳуқуқ ва эркинликларидир. Дипломатик ҳимоя методи бу халқаро ҳуқуқ субъектлари ва унинг бошқа иштирокчиларига таъсир этишнинг ўзига хос воситасидир. Давлатнинг ҳуқуқий муносабатларни тартибға солишда қўллайдиган ҳуқуқий тартибға солиш предмети, ҳимоя чоралари йиғиндиси дипломатик ҳимоя методининг ажралмас қисми бўлиб саналади[13]. И.И. Лукашук дипломатик ҳимоя предметиға давлатнинг ҳам ҳуқуқларини киритади[14].

Консуллик ҳимояси консулхона ходимлари томонидан ҳар бир индивид ҳуқуқ ва манфаатлари учун Вена конвенцияси асида амалға оширилади.

Консуллик ҳимояси кўп ҳижатдан “превентив характерға эга бўлиб, ҳуқуқбузарликка олиб келиши мумкин булган ҳолатларни ҳам бартараф этишға қаратилгандир[15].

Ўз навбатида консуллик ҳимояси бу чет давлатларда қийин ахволға тушиб колган фуқароларға ёрдам кўрсатишдир. Ёрдам сиёсий булмаган характердаги профессионал консул ёки фахрий консуллар томонидан амалға ошириладиган ҳимояни назарда тутади[16].

Юқоридагилар асосида таъкидлаш мумкинки, атамалар инсонлар ҳаётининг муҳим қисмини ташкил этади. Фуқаролар ҳоҳ давлат ичида бўлсин, ҳоҳ чет давлатларда бўлсин улар расмий идораларға мурожаат қилишға ва у ердан малакали маслаҳат олишға ҳақлидирлар. Ҳеч муболағасиз атиш мумкинки, атамалар ва айниқса маълум соҳаға оид атамалар тилнинг лексик тизимида жадал ривожланадиган категориясидир. Шу сабабли мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар қилиш, атамаларнинг келиб чиқиши, ҳуқуқий табиъати, зарурати ва долзарблиги алоҳида аҳмиятға эга.

Консуллик ҳимояси институтининг жорий этиши ва унда атамалар категориясининг тадқиқ этилиши қатор афзалликларға эга, деган ўринли фикрни

илгари суриш мукин. Бу қараш ўз навбатида амалиётни назария билан асослантириш муҳим эканлига асосланади. Халқаро ҳуқуқнинг барча соҳаларидаги каби консуллик ҳуқуқида ҳам атамалар категорияси фанни бойитишга хизмат қилади. Шу қаторда хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, атамаларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш биринчи навбатда консуллик ҳуқуқини илмий жиҳатдан бойитади ва конкретлаштиради; иккинчидан мазкур соҳада илмий изланишлар олиб бориш учун асос яратади; учинчидан, консуллик ҳимоясининг амалий жиҳатдан такомиллаштирилишида муҳим восита юзага келади.

Иқтибослар/Сноски:

1. Гвоздецкий Д.С. Современные формы дипломатической защиты и их связь с реализацией прав человека в международном праве // Закон и право. 2011. N 2. С. 22.
2. Гвоздецкий Д.С. Правовые основы функционирования института дипломатической защиты. С. 94.
3. Лукашук И.И. Дипломатическая защита // Право и политика. 2001. N 8.
4. С.Гафурова. “Халқаро иқтисодий низоларни тинч йул билан хал этиш воситалари” мавзусида ўқилган маърузалар // 1-қисм. ЖИДУ қошидаги Дипломатик курслар. 13 октябрь 2014.
5. Теория государства и права. Учебник для вузов и факультетов. М. “Норма”.-1997г. 316-317 бетлар.
6. Okano-Heijmans, Maaik: Change in Consular Assistance and the Emergence of Consular Diplomacy. The Hague, Netherlands Institute of International Relations ‘Clingendael’ Clingendael Diplomacy Papers No. 26
7. Borchard E.M. The Diplomatic Protection of Citizen Abroad of the Law of International Claims. N.Y., 1915. P. 354.
8. Geck W.K. Diplomatic Protection // Encyclopedia of Public International Law / Max Planck Institute; ed. by R. Bernhardt. Amsterdam, 1992. P. 1046.
9. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: Учеб. для студентов юрид. факультетов и вузов. 3-е изд., перераб. и доп. М., 2005. С. 393.
10. Доклад Комиссии международного права. 58-я сессия. 1 мая - 9 июня и 3 июля - 11 августа 2006 г. Нью-Йорк, 2006 // Генеральная Ассамблея ООН. Официальные отчеты. 61-я сессия. Доп. N 10 (A/61/10). P. 23.
11. Дипломатик ҳиямос бўйича маърузачининг Биринчи маърузаси. 52-сессия. 1 май - 9 июнь ва 10 июль - 18 август 2000 г. Женева, 2000 (A/CN.4/506). P. 40.
12. Амирова М.А. Дипломатическая защита государством своего гражданина // Государство и право. 2008. N 3. С. 24.
13. Okano-Heijmans, Maaik: Change in Consular Assistance and the Emergence of Consular Diplomacy. The Hague, Netherlands Institute of International Relations ‘Clingendael’ Clingendael Diplomacy Papers No. 26
14. Плотникова О.В. Консульские отношения и консульское право. Учебник для вузов. - М.: НОРМА - ИНФРА М, 1998г.; Блищенко И.П. Дипломатическое право. М., 1990.
15. И.П.Блищенко. В.Н.Дурденевский. Дипломатическое и консульское право. - М.: Издательство Института международных отношений. 1962. – 220-221 бетлар.
16. О.В. Галкина Роль метафорк в науки и научной терминологии. <http://rgf.tversu.ru/node/485>